АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОЕВ ЮСУБЖОН ХАКИМОВИЧ

МОЧЕВИНА ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ ТОВАРЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ

02.00.09 - Товарлар кимёси
14.00.41 - Халқ табобати

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон–2022

УЎТ547.257.2:281.495.668

Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефарати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science

ХолбоевЮсубжон Хакимович
Мочевина ҳосилалари асосида янги товарлар олиш ва уларни халқ табобатидаги ўрни.....3

ХолбоевЮсубжон Хакимович
Получение новых товаров на основе производных мочевины и их роль в народной медицине. ……..... 29

Kholboev Yusubjon Khakimovich
Obtaining new products based on urea derivatives and their role in traditional medicine ……..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....61

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОЕВ ЮСУБЖОН ХАКИМОВИЧ

МОЧЕВИНА ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ ТОВАРЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ

02.00.09 - Товарлар кимёси
14.00.41 - Халқ табобати

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/K136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация авторефарати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.adu.uz)ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Махсумов Абдухамид Гофурович**
кимё фанлари доктори, профессор
Асқаров Иброҳим Рахмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мадихонов Неъматхон**
Кимё фанлари доктори, профессор
Сманова Зулайҳо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор
Гафуров Махмуджон Бакиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети хузуридаги DSc.03/29.10.2021.K/T.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "11" ___X___ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс:(99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99874) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация авторефарати 2022 йил "3" ___X___ куни тарқатилди.
(2022 йил "3" ___X___ даги ___16___ рақамли реестр баённомаси)

Х.Исақов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, тех.ф.д., профессор

М.М.Мўминжонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Ш.В.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда фармацевтика, ҳамда ўсимликларни ўстирувчи биостимуляторлар яратиш соҳаси тобора ривожланиб бораётганлигига қарамай ҳавфли тери касалликларини даволашда қўлланиладиган зарарсиз дори воситалари, шунингдек, самарали биостимуляторлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар тўла якунланмаган. Бу борада, доривор ўсимликлар асосида синтетик дориларга нисбатан ҳавфсиз, ёнаки таъсирларга эга бўлмаган, экологик тоза, таркибида тери касалликларини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган табиий биологик фаол бирикмалар сақлаган озиқ-овқат қўшилмалари, ҳамда ўсимликларни комплекс ривожлантирувчи биостимуляторлар ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий таркиби ва организмга таъсир механизмини аниқлаш, ҳамда халқ табобати ва қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тери касалликларини даволаш ва олдини олишда маҳаллий хом-ашёлар асосида самарали таъсир қилувчи доривор препаратларни яратиш, уларни организмга таъсирини ва фармакологик хусусиятларини аниқлашга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини тез ривожлантирувчи биологик фаол бирикмалар синтез қилишга доир тадқиқотларга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, маҳаллий шифобахш ўсимликлар асосида синтетик дори воситаларига нисбатан зарарсиз бўлган, псориаз касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга биологик фаол бирикмалар сақлаган, арзон ва самарали таъсир этувчи табиий озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, уларни кимёвий таркиби, фармакологик таъсирини аниқлаш, шунингдек, ферроцен асосида ўсимликлар учун самарали биостимуляторлар яратиш, биологик фаоллигини аниқлаш, ҳамда уларга кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича халқаро товар код рақамларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маҳаллий ўсимликлар асосида айрим тери касалликларини олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган янги озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, ҳамда ўсимликларни ривожланишини тезлатувчи биологик фаол стимуляторлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган бўлсада, псориаз касаллигини олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган самарали таъсир этувчи биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, ҳамда ўсимликларни ривожланишини тезлатувчи биостимуляторлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамитга эга. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш[1]” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида псориаз касаллигига қарши фаол

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бирикмалар тутувчи, самарали терапевтик хусусиятларга эга бўлган табиий, безарар, иқтисодий самарадор озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, ўсимликларни комплекс ривожлантирувчи биостимуляторлар яратиш, уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 ноябрдаги ПҚ-5229-сон "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII."Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Мочевина ва бис мочевина ҳосилалари синтезига йўналтирилган илмий изланишлар, унинг таркибига кирувчи биологик фаол моддаларни қўллаш, тери касалликларидан псориаз касаллигини даволаш дунёнинг етакчи илмий марказларида, ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан State University of New York Downstate, University of Michigan, University of Nebraska-Lincoln, University of Arizona, Garvard,Case Western Reserve University (AQSH), Dalhouse University (Канада), Peking University, Xinyang Normal University, Peking University People's Hospital, The Hong Kong Polytechnic University (Хитой), Meiji Pharmaceutical University (Япония), University of Malta (Malaysiya), Russian Medical Institute of Nations friendship (Россия), University of Gronington, Eindhoven University of technology (Голландия), University of Sheffield, University of Manchester (Буюк Британия), University of Edinburgh (Шотландия), Monash University (Австралия) олиб борилмоқда.

Мочевина ва бис-мочевинанинг ҳосилаларини синтез қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган: жумладан, мочевина ҳосилалари олиниб, айрим физик-кимёвий ҳоссалари аниқланган (Canada Research Chair in Aboriginal Forestry, Université du Québec, Канада); бис-мочевина ҳосилалари синтези ва уларни таркиби ҳамда тузилиши аниқланган (University of Arizona, АҚШ); ўсимлик таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Dipartimento di Chimica Industriale "Toso Montanari", Università di Bologna, Италия); доривор ўсимликлардан ажратиб олинган бирикмаларнинг фармакологик таъсири аниқланган (Department of Pharmacy, Istambul University,

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: https://www.chairs-chaires.gc.ca/ ;https://www.ulaval.ca/en; https://tulane.edu/ ; https://www.iu.de/ва бошқа манбалар асосида ишлабчиқилган.

Туркия); псориаз касаллигини даволаш ва олдини олиш услублари ишлаб чиқилган (Shahrekord University of Medical Sciences, Shahrekord, Эрон); ферроцен ва унинг ҳосилаларини синтези ҳамда уларнинг биологик фаолликлари аниқланган (Monash University, Австралия, The Hong Kong Polytechnic University (Хитой); доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг таркиби ва тузилиши аниқланган (Ўсимлик моддалар кимёси институти, Ўзбекистон).

Дунёда мочевина, бис-мочевина ва гексаметилендиизоцианат асосида биологик фаол препаратлар ишлаб чиқиш, ҳамда тери касалликларини даволаш ва олдини олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, бис-мочевина ва гексаметилендиизоцианатларнинг ароматик ҳосилаларини синтез қилиш ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш; таркибида мочевина сақловчи табиий манбалардан псориаз касаллигини даволовчи биологик фаол қўшимчалар ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқиш; олинган мочевина ҳосилалари асосида қишлоқ хўжалиги экинларини униши ва комплекс ривожланишига ижобий таъсир этувчи, ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини орттирувчи янги биостимуляторлар олиш; бис-мочевина ҳосилаларини чиқиндисиз технологиясини яратиш ва улар орасида юқори эффектли, ҳамда зарарсиз биологик ва бўёвчи фаол препаратларини аниқлаш; доривор ўсимликлар экстрактлари ёрдамида тери касалликларини даволаш ва олдини олиш; ўсимликларнинг кимёвий таркиби асосида табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мочевина ва бис-мочевина ҳосилалари устидабир қатор олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Жумладан, болгариялик олимлар B. Ileana, N. Eustanta, N.Duvas, австралиялик олимлар S.H. Gregory, P.S. Josepf., россиялик олимлар Мельников Н.Н., Баскаков Ю.А., Бокарев К.С. Негели И.В., Энтелис С.Г., Полцев А. В., Луценко В.В., Блюм Р.А., Кнунянц И.Л., Гравчикова В.А., арманистонлик олимлар Давлатян В.В., Геворкян Р.А., японияли олимлар O. Tomafaka, H. Yasufaka, Takemofo, хитойлик олимлар W.L.Zeng, J. Lin, ўзбекистонлик олимлар Махсумов А.Г., Асқаров И.Р., Мадиханов Н., Абдугафуров И.А., Исақов Ҳ., Максумова Н.А. ва бошқалар томонидан мочевина ва бис-мочевина, уларнинг биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш ҳамда биологик фаолликлари таҳлили бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Халқ табобати усуллари ёрдамида турли касалликларни, жумладан псориаз касалликларини даволаш, доривор ўсимликлар асосида янги биологик фаол қўшилмалари озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш соҳасида ўзбек олимлари салмоқли натижаларга эришганлар.

Мочевина ва бис мочевинанинг алифатик ва ароматик аминлар билан ҳосилалари синтези, метилолмочевина, тиомочевина асосида олинган биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, лекин таркибида гексаметилендиизоцианат ва иккиламчи ароматик аминлар ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун, мазкур диссертация иши

таркибида гексаметилендиизоцианат ва иккиламчи ароматик аминлардан N,N^1 - гексаметилен бис-[(аминоароил) мочевина]лар ва уларнинг ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтез қилиш, хоссаларини физик-кимёвий усулларда аниқлаш, айрим озиқ-овқат қўшилмалари таркибидан табиий биологик фаол моддалар ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, биологик фаоллигини аниқлаш бўйича синовлардан ўтказиш ва улардан халқ табобатида фойдаланиш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш, ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг "Халқ хўжалиги ва халқ табобатида фойдаланиладиган товарлар олиш ва уларни синфлаш" илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ароматик иккиламчи аминлар, диизоцианатлар, мочевина ҳосилалариасосида янги турдаги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, ҳамда доривор ўсимликлар асосида табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш ва кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнингвазифалари:

ароматик иккиламчи аминлар ва гексаметилендиизоцианат асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физикавий хоссалари, таркиби ва тузилишини, ИҚ-спектроскопия, ПМР-спектроскопия усуллари ёрдамида таҳлил қилиш;

гексаметилендиизоцианат билан ароматик иккиламчи аминлар ва уларнинг ҳосилалари орасидаги эҳтимолий A_N механизмини аниқлаш;

мочевина, бис-мочевина ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмалар ичидан биологик фаоллиги юқори бўлган моддаларни аниқлаш ҳамда лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

мочевина ҳосилалари асосида янги озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш ҳамда халқ табобатида фойдаланиш учун тавсия этиш;

"Псоралин" озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги апигенин, кемпферол, галл кислота, кверцитин, рутин каби флавоноидларнинг таркиби ва миқдорини аниқлаш;

"Псоралин" озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги микроэлементлар, витаминлар, β-каротин кабиларнинг таркиби ва миқдорини аниқлаш;

"Псоралин"озиқ-овқат қўшилмасини вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида клиник синовдан ўтказиш;

синтез қилинган биологик фаол бирикмалар учун кимёвий таркиби бўйича ТИФ ТН асосида ҳалқаро код рақамлари ишлаб чиқиш амалда қўллаш учун тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гексаметилендиизоцианатнинг иккиламчи ароматик аминлар билан ҳосилалари, ҳамда уларни қишлоқ хўжалиги экинларига биостимуляторлик таъсири ҳамда халқ табобати усулида

псориаз касаллигини даволаш учун “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси, псориаз билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи ароматик қатор аминлар: дифениламин, дибензиламин, карбазол, изатин, 5-бромизатинлар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш, “Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасини псориаз касаллигига таъсири ва уларнинг таркибига кирувчи биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини физик-кимёвий усулларда аниқлаш ва кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий усуллардан, жумладан квант-кимёвий ҳисоблар, ЮҚХ, ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, спектрофотометрия, элемент анализи, аргентометрик анализ, ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

N,N^1-гексаметилен-бис-[(аминоароил)-мочевина]лар гексаметилен диизоцианат билан иккиламчи ароматик аминларнинг ДМФА муҳитида юқори унум (84-94%) билан синтез қилинган;

илк бор бис-карбамоиллаш реакцияси дифениламин, дибензиламин, карбазол, изатин, 5-бромизатин билан содир бўлиши исботланган;

N,N^1-гексаметилен-бис-[(аминоароил)-мочевина]лар ҳосил бўлиш механизмининг эҳтимолли назарий концепцияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган бирикмаларни кимёвий ўзгаришларга учраши: N,N^1-дихлорлаш ва -дибромлаш ўрганилган. Бис-[(аминоароил) мочевина] ларни N-H гуруҳи галогенли бирикмалар билан осон реакцияга киришиб, N,N^1 -дигалогено бирикмалари синтез қилинган;

N,N^1 -гексаметилен бис [(дибензиламино) мочевина] ни чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилди ва жараённи технологик схемаси ишлаб чиқилган;

Псориаз касаллигини самарали даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган янги озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқилган;

“Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги апигенин, кемпферол, галл кислота, кверцитин, рутин каби флавоноидларнинг таркиби ва миқдори аниқланган;

“Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги микроэлементлар, витаминлар, β-каротин кабиларнинг таркиби ва миқдори аниқланган;

мочевина ва бис-мочевина ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмалар ва “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси учун кимёвий таркиби асосида халқаро код рақамлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мочевина ва бис-мочевина ҳосилаларидан ташкил топган ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи ХЮХ-1, ХЮХ-2 биостимуляторлари яратилган;

ХЮХ-5 бирикмаси саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган рангли лок-бўёқ маҳсулотларида бўёвчи хусусиятга эга эканлиги исботланган;

мочевина ҳосилалари орасидан флавоноидлар, микроэлементлар, витаминлар, β-каротинларни аниқлаш асосида “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси яратилган, ҳамда халқ табобатида фойдаланиш учун тавсия

қилинган;

таркибида мочевина ва бис-мочевина ҳосилалари тутган бирикмалар ва “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси учун кимёвий таркиби асосида синфланган, ҳамда уларга ТИФ ТН асосида тегишли код рақамлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган ва озиқ-овқат қўшилмасидан ажратиб олинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-, ПМР-спектроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида аниқланганлиги, юпқа қатламли хромотография усулларида ажратиб олиниб, элемент анализи ўтказилганлиги, уларнинг биологик фаолликлари етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гексаметилен бис-[(дибензиламино) мочевина] бирикмасини синтез қилиш усули ишлаб чиқилди, синаб кўрилди ва тавсия этилмоқда. Бу бирикмалар юқори реакцион қобилиятли гексаметилендиизоцианатни дифениламин, дибензиламин, карбазол, изатин ва 5-бромизатинларни ўзаро таъсири натижасида юқори унум билан ҳосил бўлади. Ишлаб чиқилган синтез усуллари асосида бир неча ўнлаб аввал ёзилмаган N,N^1-гексаметилен бис-[(аминоароил) мочевина] ҳосилалари олинди. Булар ҳар хил тузилишга, реакцион қобилиятга ва хоссаларга эга бўлган моддалардир. “Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг таркибига кирувчи биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усулларининг такомиллаштирилганлиги, ҳамда уларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган бирикмалар ичида баъзи янги ҳосилалари қишлоқ хўжалиги экинларини униши комплекс ривожланишини тезлатиш, ҳамда ҳосилдорлигини ошириш хусусиятига эга эканлиги, “Псоралин” табиий озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқилганлиги, псориаз касаллигини даволаш хусусияти бўйича тиббиёт амалиётига тавсия этилганлиги янги синтез қилинган биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, уларга тегишли халқаро код рақамлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мочевина ҳосилалари асосида биостимуляторлар синтез қилиш, ҳамда ўсимликлар асосида шифобахш озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Гексаметилендиизоцианатнинг мочевина ва бис-мочевина ҳосилаларидан синтез қилинган «ХЮХ-2»нинг ҳар хил концентрацияли эритмаларидан иборат қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи биостимуляторлари 2019-2021 йиллар давомида Андижон вилоятидаги жами 360 гектар ғўза майдонларига жорий этилган (Андижон Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил, 22 сентябрьдаги № 01/11-11119-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 07/35-04/3012-сон

маълумотномаси). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган майдонлардан 3-4 ц гача қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

“Арча ўсимлиги меристемаси асосида тайёрланган ва бошқа доривор ўсимликлари” учун – 1212 30 000 6 код рақамлари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётидаги ТИФТНда амалиётга қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йилнинг 22 январдаги даги 02/16-0032–сон маълумотномаси). Натижада, арча ўсимлиги меристемаси асосида тайёрланган ва доривор ўсимликлар билан бойитилган табиий озиқ-овқат қўшилмалари бўйича синфлаш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича мочевина ва бис-мочевина ҳосилалари бўйича “N,N^1- бис аминоароил мочевиналар” учун - 2929 90 000 1 код рақами ишлаб чиқилган ва божхона амалиётидаги ТИФТНда амалиётга қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йилнинг 22 январдаги даги 02/16-0031–сонмаълумотномаси). Натижада, ароматик иккиламчи аминларни диизоцианатларга нуклеофил бирикиши асосида ҳосил бўлган бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Мазкуртадқиқотнатижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалийанжуманларидамуҳокамаданўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола Республика ва 8 та мақола халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГАСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мочевина асосидаги биологик фаол моддаларнинг тузилиши, хоссалари ва олиниши (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида мочевинанинг тузилиши, олиниши ва хоссалари**,** мочевина азот (N) манбаи сифатида ўғитларда кенг қўлланилиши ва кимё саноати учун муҳим хом ашё эканлиги, қишлоқ хўжалигида таркибида азот тутган минерал ўғитларнинг қўлланилиши, инсон организмида мочевинанинг роли, изоцианатнинг олиниши, хоссалари ҳамда унинг ҳосилаларини тирик организмлардаги роли, уларнинг устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар

натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Шунингдек, мочевина ҳосилаларининг тузилиши ва хоссаларини квант-кимёвий таҳлили, халқ табобатининг фан сифатида юзага келиши, псориаз касаллигининг шаклланиш босқичлари, “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмасининг синтетик дориларга нисбатан афзалликлари, Товарлар кимёси фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш муаммолари кенг ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **N,N^1-гексаметилен бис-[(аминоароилмочевина]лар ва уларнинг ҳосилаларини тузилиши, хоссалари ва олиниш усуллари (натижалар муҳокамаси)”** деб номланган иккинчи бобида ароматик иккиламчи аминлар: дифениламин, дибензиламин, карбазол, изатин, 5-бромизатинларнинг гексан-1,6-диизоцианатга A_N - (нуклеофил бирикиш) реакциялари орқали N,N^1-гексаметилен бис-[(аминоароил)мочевина]лар ДМФА муҳитида юқори унум (84-94%) билан синтез қилинганлиги, N,N^1- гексаметилен бис-[(аминоароил) мочевина]лар ҳосил бўлиш механизмининг эҳтимолий назарий концепцияси таклиф қилинганлиги, кинетикаси, синтез қилинган бирикмаларни кимёвий ўзгаришларга учраши: N,N^1-дихлорлаш ва -дибромлаш реакциялари ўрганилганлиги, олинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-, ^{1}H ЯМР-спектроскопик, квант-кимёвий ва элемент анализ натижалари ёрдамида таҳлил қилинганлиги келтирилган. “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги апигенин, кемпферол, галл кислота, кверцитин, рутин каби флавоноидларнинг таркиби ва миқдорини аниқланган; “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги оғир металлар, микроэлементлар, витаминлар, β-каротин кабиларнинг таркиби ва миқдори аниқланган. Шунингдек, илмий асосланган ҳолда мочевина ва бис-мочевина ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмалар ва “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси учун кимёвий таркибига кўра халқаро код рақамлари ишлаб чиқилган.

N,N^1 -гексаметилен бис-[(аминоароил) мочевина] лар синтези. Танлаб олинган иккиламчи ароматик аминларнинг гексан-1,6-диизоцианат билан A_N нуклеофиль бирикиш реакциялари ўтказилди. Реагентлар нисбати I:II=1:2, реакция хона температурасида, 3,5-4,0 соат давомида ДМФА иштирокида олиб борилди. Реакция схемаси қуйидагича:



синтез қилинган маҳсулотлар рангсиз моддалар бўлиб, сувда қийин эрийди ва органик эритувчилар (ДМАЦ, ДМСО, ДМФА, Ру, HCOOH, CH_3COOH, CCl_4, нитробензол ва бошқалар)да яхши эриши молекулада иккита мочевина ва ароматик гуруҳ борлигидан далолат беради. Шу сабабли ҳам улар гетерополяр

эритувчиларда яхши эрийди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, гексаметиленбис-[(аминоароил) мочевина] унуми иккиламчи ароматик аминлар молекуласидаги радикал табиатига, ҳамда асослилик константасига боғлиқ. Масалан, дифениламин, дибензиламин, карбазол, изатин ва 5-бромизатин иштирокида борадиган реакцияларда унум 84 дан 94% гача боради. Асослилик ортиши билан иккиламчи ароматик аминларнинг реакцион қобилияти кучаяди, бунга мувофиқ унумнинг ортиши кузатилади. N,N^1 -гексаметилен бис-[(аминоароил) мочевина] да юқори унумнинг бўлиши диизоцианатда туташ гуруҳи (-N=C=O)нинг электрон булутини осон силжиши ва юқори зичликда бўлиши билан тушунтириш мумкин.

Жадвал 1. N,N1-гексаметилен бис[(аминоароил) мочевина] ларнинг физик-кимёвий хусусиятлари

№	Шифр	Тузилиш формулалари ва номи	Унум, %	T_c.^{0} C	R_f	Брутто форму-ласи	Элемент таҳлили, N,%	
							Ҳис обла нган	Топил ган
I	ХЮХ-1	 N,N^1-гексаметилен-бис-[(дифениламино)-мочевина]	92	224-225	0,70	$C_{32}H_{34}N_40_2$	11,06	10,78
II	ХЮХ-2	 N,N^1-гексаметилен-бис-[(дибензиламино)-мочевина]	94	190-191	0,69	$C_{36}H_{42}N_40_2$	9,56	9,31
III	ХЮХ-3	 N,N^1-гексаметилен-бис-[(карбазолил)-мочевина]	90	230-232	0,79	$C_{32}H_{30}N_40_2$	11,15	10,88
IV	ХЮХ-4	 N,N^1-гексаметилен-бис-[(изатинил)-мочевина]	89	163-164	0,70	$C_{24}H_{22}N_40_6$	12,12	11,87
V	ХЮХ-5	 N,N^1-гексаметилен-бис-[(5-бромизатинил)-мочевина]	85	174-175	0,76	$C_{24}H_{20}Br_2N_40_6$	9,03	8,74

Иккиламчи ароматик аминларнигексан-1,6-диизоцианат билан ўзаро таьсир этишининг эҳтимолий механизми. Адабиётлардан маьлумки, изоцианат гуруҳи– N=C=O нинг фаоллигига молекуладаги R ўринбосарининг тузилиши маьлум таъсир кўрсатади. Шунинг учун электроноакцептор ўринбосарлар

диизоцианатларга бирикиш реакцияларида нуклеофил реагентнинг реакцион қобилиятини орттиради, электронодонорлар эса камайтиради. Кўп чет эллик муаллифлар бу қонуниятни -N=C=O гуруҳидаги углерод мусбат зарядининг ортиши ва камайиши билан тушунтирадилар. Углерод атомидаги (-N=C=O гуруҳидаги) электрон зичлик камчиллигининг ортиши диизоцианатларга нуклеофил реагентнинг [$(Ph)_2N$-H] бирикишида тезлик константасининг ортишига олиб келади. Лекин қатор мақолаларда изоцианат гуруҳининг статик ҳолатида қаттиқ структура қўлланилади.

Квант-кимёвий ҳисобларга асосан, -N=C=O гуруҳидаги атомларда заряд зичлиги молекуладаги R ўринбосарни алмаштирганда ўзгармайди. Изоцианатларнинг реакцион қобилиятига ўринбосарларнинг таъсири ёки боғларнинг узунлигини изоцианат гуруҳида ўзгариши диизоцианатларга нуклеофил бирикиш (A_N) реакцияларида ўтиш ҳолатининг ҳар хил стабиллашганлигидир.

Диизоцианатнинг кимёвий табиати -N=C=O гуруҳда электрон зичликнинг тақсимланишига мос келади ва у қуйидагича туташ структуралар (I-III) орқали ёзилади:



Азот ва кислород – N=C=O гурухда манфий зарядни ташишда электродонор хоссаларига эга. Шу сабабли бу гуруҳ нуклеофил ва электрофил ҳужумга мойилдир. Баъзи ҳолларда диизоцианатлар электрофил агентлар ролини бажариши мумкин. Булар учун кислород ва азот тутган моддалар (N-H гуруҳининг) иштирокида содир бўладиган нуклеофил бирикиш реакциялари бўлиб, масалан дифениламин жуфт эркин электронга эга бўлиб, ГМДИ молекуласидаги электрофил марказга ҳужум қилиб, оралиқ маҳсулот (B) ни ҳосил килади, бу эса бис-мочевинага қайта гуруҳланади. Шу сабабли адабиётларда ёзилишича, иккиламчи ароматик аминлар гексан-1,6-диизоцианат билан ўзаро таъсирлашиши натижасида бизнинг фикримизча, эҳтимолий механизм қуйидаги схема буйича боради:





H_2N- ва H-N< гуруҳларининг нуклеофиллигини ортиши бирикиш тезлигини ва бунга биноан иккиламчи ароматик аминларни тузилишига боғлиқ ҳолда стерик омилларини ортиши натижасида охирги маҳсулотларни ҳосил бўлишида унум бироз пасаяди. Лекин гетероциклик аминлар ГМДИга бирикиш механизми ҳақида маьлум хулоса чиқариш қийин, бунга қўшимча равишда реакция кинетикасини ҳам ўрганиш зарур.

Синтез қилинган моддаларнинг ИҚ спектроскопик таҳлили. Синтез қилинган гексаметилен бис-[(аминоароил)-мочевина]ларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш мақсадида ўтказилган ИҚ-, ^{1}H ЯМР-спектроскопик, квант-кимёвий анализ натижалари таҳлил қилинган. Ўрганилаётган I-V бирикмаларнинг ИҚ спектрлари 400-4000 см$^{-1}$ оралиғида KBr таблеткали 2000 (Перкин Элмер) моделли Фурье спектрометрида, шунингдек KBr таблеткали “Spekord-75” русумли спектрометрда олинган ва Фурье қайта ишлаш усулида ўлчанди. Олинган спектрлардаги ютилиш соҳаларини молекулаларнинг қайси тебранишларга мос эканлигини аниқлашда адабиётлар ва тебраниш спектрни квант-кимёвий ҳисоблаб ўлчанган спектрга таққослаш усулидан фойдаландик. ИК спектрларни назарий ҳисоблашда Gaussian 09W дастурлаш пакети DFT методининг 6-31G базислари қўлланилди. Дастлаб ўрганилаётган моддаларнинг молекуляр тузилиши мазкур базисда мақбуллаштирилди ва шундан сўнг бу молекулаларнинг тебраниш спектрлари ҳисобланди. 1-расмда, мисол учун, III бирикма N,N^1-гексаметилен бис-[(карбазолило) мочевина] нинг мақбуллаштирилган молекуляр тузилиши кўрсатилган.



1-расм. N,N^1-гексаметилен бис-[(карбазолило)мочевина] нинг мақбуллаштирилган молекуляр тузилиши.

Барча моддаларнинг ўлчанган спектрларида ютилиш соҳалари одатда кенг бўлиб, бир неча ёнма-ён жойлашган чўққиларнинг суммасидан иборат. Моддаларни ИҚ-спектроскопик идентификациялашда биз, асосан, ўлчанган ва ҳисобланган спектрлардаги нисбий интенсивликлари сезиларли даражада (5 % дан юқори) бўлган ютилиш соҳаларини бир-бирига солиштириш усулидан фойдаландик.

Мисол учун тадқиқ этилувчи **III** модданинг назарий ҳисобланган ИҚ-спектрлари 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. N,N^1-гексаметилен бис-[(карбазолило) мочевина] нинг назарий ҳисобланган ИҚ спектри.

2-жадвалда моддаларнинг тажрибада ўлчанган ва назарий ҳисобланган ИҚ-спектрларидаги чўққиларни тегишли тебранишларга мослиги ва уларнинг тўлқин сони қийматларини таққослаш натижалари келтирилган.

2-жадвал. **I-V** моддаларнинг тажрибада ўлчанган ва назарий ҳисобланган ИҚ-спектрларидаги айрим чўққиларни тегишли тебранишларга мослиги ва уларнинг тўлқин сони қийматларини таққослаш натижалари

№	Тебраништури	Ютилишсоҳасимаксимумитўлқинсони (см$^{-1}$), ҳисобланган/ўлчанган				
		I	**II**	**III**	**IV**	**V**
1.	δ(C-C-C)	561/580	586/590	561/560	533/530	555/570
2.	ν(C-Br)					671/675
3.	π(C-H)$_{(Ar)}$	804/796	799/785	759/760		
4.	r(N-H)				808/795	803/800
5.	π(C-H)$_{(Ar)}$	883/890	870/875	795/780		
6.	r(CH$_2$)$_{(бензил)}$		1040/1040			
7.	δ(C-H)$_{(Ar)}$		1211/1210			1275/1250
8.	νC-N$_{(Ar)}$	1430/1430	1428/1430			
9.	π(CH$_2$)	1454/1460		1346/1340	1420/1430	
10.	r(C-H)$_{(Ar)}$	1688/1680		1497/1492	1510/1505	1614/1600
11.	r(N-H)	1703/1702		1561/1560		
12.	π(CH$_2$)	1526/1530	1542/1540		1546/1550	
13.	π(CH$_2$)$_{(бензил)}$		1588/1590			
14.	δ(CH$_2$)	1688/1684	1651/1650		1664/1670	1650/1652
15.	ν(C=O)	1801/1810	1807/1800	1708/1700	1872/1860	1897/1890
16.	ν$_s$(CH$_2$)	3176/3170	3189/3180	3016/3010	3175/3180	2948/2450
17.	νs(CH$_2$)$_{(бензил)}$		3196/3190			
18.	νas(CH$_2$)$_{(бензил)}$		3280/3280			
19.	ν$_{as}$(CH$_2$)	3232/3239	3224/3230	3059/3060	3234/3230	3012/2900
20.	ν(C-H)$_{(Ar)}$	3382/3285	3268/3260	3222/3240	3400/3400	3374/3300
21.	ν(N-H)	3922/3920	3930/3920	3554/3610	3780/3750	3664/3660

I-V моддаларнинг ИҚ-спектрларидаги тегишли тебранишларга мос келувчи тажрибада аниқланган ва адабиётларга кўра ҳамда ҳисобланган ютилиш соҳаларининг тўлқин сонларини бир-бирига яқинлиги ўрганилаётган бирикмаларнинг тахмин қилинган тузилишини тасдиқлайди ҳамда ИҚ-спектрларни назарий ҳисоблашда қўлланилган квант-кимёвий ҳисоблаш моделини тўғри танланганлигини кўрсатади.

I-V бирикмаларнинг ИҚ-спектридаги метилен гуруҳлари углерод атомларининг қайчисимон деформацион тебранишлари δ(C-C-C) 530-580 см$^{-1}$ соҳада кузатилиб икки томондаги функционал гуруҳлар таъсирида бир оз силжишларни намоён қилади. **V** бирикманинг спектрида мавжуд 675 см$^{-1}$

соҳадаги чўққи молекуладаги углерод-бром боғининг валент тебраниши ν(C-Br) га мос келади. Таркибида бензол ҳалқаси тутган **I-III** бирикмалар спектридаги 760-890 $см^{-1}$ ва соҳада кузатилган иккитадан ютилиш соҳалари (жадвалда 3- ва 5-қаторлар) ҳалқадаги водород атомларининг елпиғичсимон тебранишларига тегишли.

Тадқиқ этилаётган бирикмалар таркибидаги бензол ҳалқасининг мавжудлиги спектрлардаги 1210-1250, 1430 ва 1505-1680 $см^{-1}$ соҳаларда кузатилган мос равишда $\pi(C\text{-}H)_{(Ar)}$, $\delta(C\text{-}H)_{(Ar)}$ ва $r(C\text{-}H)_{(Ar)}$ тебранишларга тегишли эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек бензол ҳалқасидаги водород атомларининг валент тебраниши **I-V** моддаларда 3240-3400 $см^{-1}$ соҳада намоён бўлади. Бирикма таркибидаги 6 та метилен гуруҳларининг тебранишлари $\pi(CH_2)$, $\delta(CH_2)$, $\nu_s(CH_2)$ ва $\nu_{as}(CH_2)$ кўринишида намоён бўлади. Карбонил гуруҳи углерод-кислород боғининг валент тебраниши **I-V** моддаларнинг табиатига боғлиқ ҳолда 1700-1890 $см^{-1}$ оралиғида кузатилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, **I-V** моддалар ИҚ спектрларининг адабиётларга кўра ва квант-кимёвий ҳисобланган спектрларга таққослаш асосидаги таҳлили ўрганилаётган бирикмаларнинг тахмин қилинган тузилишларини тўла тасдиқлайди.

Синтез қилинган моддаларнинг ^1H ЯМР спектрал таҳлиллари. Синтез қилинган бирикмаларининг тузилиши ^1H ЯМР-спектроскопия методи ёрдамида тасдиқланди. Жумладан, N,N^1-гексаметилен бис-[(карбазолило) мочевина]нинг спектрида гексаметилен ва бензил қолдиқларидаги 19- ва 20-ҳолатдаги метилен гуруҳлардаги протонларнинг синглет сигналлари 1,29 м.у., 18 ва 21 ҳолатлардаги метилен гуруҳлардаги протонларнинг триплет сигналлари 1,55 м.у., 17- ва 22-ҳолатлардаги метилен гуруҳлардаги протонларнинг триплет сигналлари 3,29 м.у., шунингдек, 6,48 м.у. соҳада 16- ва 32-ҳолатлардаги аминогуруҳ (NH) лар протонларнинг синглет сигнали, 7,34-7,57 м.у. соҳада карбазол қолдиқлардаги CH боғлар протонларнинг квартет сигналлари мавжуд.



3-расм.N,N^1- гексаметилен бис-[(карбазолило) мочевина]нинг ^1H ЯМР спектри.

Бис-аминоароилмочевина унумига турли омилларнинг таъсири. Ушбу мақсадда реакциянинг оптимал шароитни ўрганиш учун унга реакция давомийлиги, эритувчининг табиати ва температуранинг таъсири ва маҳсулотларни ҳосил бўлиш унуми ўрганилди. Реакция давомийлиги таъсирини аниқлаш учун тажриба 33 ^0C да ўтказилди. Жараённинг давомийлиги 1 соатдан 5 соатгача ўзгартирилди (4-расм). Жараённинг давомийлигини оптимал шароити 4 соат деб топилди.



4-расм. Реакция давомийлигини бис-аминоароилмочевина унумига таъсири.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, маҳсулотнинг энг юқори унумини таъминловчи реакциянинг оптимал давомийлиги 4 соат бўлиб, 5- соат давомида маҳсулот унуми ўзгармаган.

Реакцияга ҳароратнинг таъсири. Маҳсулотларни унумига температуранинг таъсирини ўрганиш турли температураларда реакция ўтказиш орқали амалга оширилди. Расмдан кўриниб турибдики, реакция 0 °С да амалга оширилганда, маҳсулотларнинг унуми 4 дан 6 % гача бўлган. Ҳароратнинг ошиши билан унум кўтарила бошлади: масалан, 15 ^{0}С да унум 17 дан 25 % гача, 22 ^{0}С ҳароратда - 50-60 %, 28^{0}С- 94 % гача. 33 ^{0}С ҳароратда маҳсулот унуми ортмади. Ҳароратнинг мақсадли маҳсулот унумига таъсирини ўрганиш реакцияни реакция муҳитининг турли ҳароратларида ўтказиш орқали амалга оширилди (5-расм).



5-расм. Бис-аминоароилмочевина унумига ҳароратнинг таъсири

Эритувчи табиатининг таъсири. Эритувчи табиати таъсирини ўрганиш учун ДМФАдан ташқари, эритувчи (ТГФ, Ру, диоксан, CH_3COCN) лардан ҳам фойдаланилди. Бу эритувчилар реакцияга киришаётган компонентларни ионланишини барқарорлаштиради ва шу сабабли реакция содир бўлади. Тажрибада аниқландики, бис-мочевина унумига эритувчининг таъсири сезиларли даражададир. Апротонли биполяр эритувчиларда дипол момент ортиши билан маҳсулот унуми қуйидагича ўзгаради: ДМФА (3,8) > Ру (2,19) > ТГФ (1,7) > Диоксан (0) (6-расм).



6-расм.Бис-аминоароилмочевина унумига эритувчи табиатининг таъсири.

Аниқландики, 28^0C да диизоцианат ДМФА да иккиламчи ароматик аминлардаги >N-H ва H_2N гуруҳлар билан реакцияга киришиб, бис-мочевинанинг N,N^1 -ҳосилаларини ҳосил қилади. ,,Ўхшаш ўхшашда эриш" принципига биноан, ДМФА иккиламчи ароматик аминлар билан регисселектив ўзаро таъсирлашади, бу эса ўз навбатида -N=C=O билан ароматик қатор аминларнинг H-N< ва H_2N-гуруҳлари билан барқарор ва мустаҳкам комплексларни ҳосил қилади. Юқори дипол моментга ва катта диэлектрик ўтказувчанликка эга бўлган биполяр апротон эритувчилар маҳсулот унумининг ортишига сабабчи бўлади.

Изоцианат гуруҳининг карбонил углероди ўзига хос сольватланиш реакцияси жараёнида ароматик аминогуруҳ H-N< ва H_2N- нинг асослилиги донор-акцептор комплекс ҳосил бўлиши натижасида кучаяди. ТГФ ва диоксанда ДМФА га нисбатан A_N реакцияси бўйича маҳсулот унуми паст бўлади. ДМФА ва Ру да сольватланиш ТГФ ва диоксанга нисбатан осон кетади, шу сабабли маҳсулот унуми ортади. Хулоса қилганда, бис-мочевина ҳосил бўлиши учун оптимал шароит қуйидагича: 28^0C, эритувчи –ДМФА, реакциянинг давомийлиги – 4 соат.

Мочевина ҳосилаларининг квант-кимёвий таҳлили натижалари. Олинган бирикмаларнинг геометрик параметрлари ва электрон тузилишини аниқлаш учун биз N,N^1-гексаметилен бис-[(дибензиламино) мочевина] геометриясининг квант кимёвий ҳисобини 3-21G базис тўплами асосида Gaussian дастуридан фойдаланган ҳолда замонавий DFT-B3-LYP квант- кимёвий ҳисоблаш усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширдик.

Ҳисоблаб топилган натижаларга кўра, 3-жадвалда кўрсатилганидек, максимал манфий зарядлар гетероатомларда, яъни азот ва кислород атомларида тўпланади.



7-расм. N,N^1-гексаметилен бис-[(дибензиламино)-мочевина] молекуласининг мақбуллаштирилган структураси.

3-жадвал. Геометрик параметрлар ва атомларда электрон тақсимот.

Атом	Заряд, е	Боғ	боғ узунлиги, Å	Атом	Заряд, е	Боғ	Боғ узунлиги, Å
N1	-0.547	**N1-C2**	1.47001	**C22**	-0.207	**C22-C23**	1.40140
C2	-0.254	**N1-C3**	1.46998	**C23**	-0.192	**C23-C24**	1.40141
C3	-0.272	**N1-C4**	1.46998	**C24**	-0.193	**C17-C25**	1.53998'
C4	0.744	**C4=O5**	1.25840	**C25**	-0.034	**C25-C26**	1.40139
O5	-0.471	**C4-N6**	1.47000	**C26**	-0.205	**C26-C27**	1.40140

N6	-0.607	**N6-C7**	1.46999	**C27**	-0.191	**C27-C28**	1.40140
C7	-0.262	**C7-C8**	1.53999	**C28**	-0.207	**C28-C29**	1.40140
C8	-0.396	**C8-C9**	1.53998	**C29**	-0.165	**C29-C30**	1.40140
C9	-0.360	**C9-C10**	1.53999	**C30**	-0.166	**C2-C31**	1.53999
C10	-0.385	**C10-C11**	1.53998	**C31**	-0.170	**C31-C32**	1.40140
C11	-0.387	**C11-C12**	1.53998	**C32**	-0.025	**C32-C33**	1.40139
C12	-0.233	**C12-C13**	1.47000	**C33**	-0.193	**C33-C34**	1.40140
N13	-0.503	**C13-C14**	1.47000	**C34**	-0.192	**C34-C35**	1.40140
C14	0.691	**C14=O15**	1.25840	**C35**	-0.207	**C35-C36**	1.40140
O15	-0.565	**C14-N16**	1.46998	**C36**	-0.163	**C3-C37**	1.54000
N16	-0.239	**N16-C17**	1.47000	**C37**	-0.205	**C37-C38**	1.40140
C17	-0.244	**N16-C18**	1.47000	**C38**	-0.029	**C38-C39**	1.40140
C18	-0.028	**C1-C19**	1.54000	**C39**	-0.168	**C39-C40**	1.40140
C19	-0.171	**C19-C20**	1.40140	**C40**	-0.164	**C40-C41**	1.40140
C20	-0.163	**C20-C21**	1.40140	**C41**	-0.207	**C41-C42**	1.40140
C21	-0.207	**C21-C22**	1.40140	**C42**	-0.190	**C42-C37**	1.40140

Масалан, N1, O5, N6, N13, O15, N16 атомларида электрон зарядларнинг катталиги мос равишда q= -0,55e, -0,47e, -0,61e, -0,50e, -0,56e, -0,24e га тенг. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги замон квант-кимёвий усулларини қўллаш кимёгарларга экспериментал тадқиқотларни олдиндан режалаштириш имконини беради ва кимёвий маҳсулотлар синтезини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Табиий биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаси "Псоралин"нинг клиник текширув натижалари. Доривор ўсимликлар асосида тайёрланган "Псоралин"озиқ-овқат қўшилмасини Андижон шаҳар тери касалликлари диспансери, Дерматовенерология кафедраси мутахассислари билан ҳамкорликда клиник синовдан ўтказдик. Клиник тадқиқотнинг мақсади "Псоралин" озиқ-овқат қўшилмасини амалиётга жорий этиш учун унинг хавфли тери касалликларидан бўлган псориаз касаллигига таъсирини аниқлашдан иборат. Клиник тадқиқотлар псориаз касаллигининг турли босқичлари билан касалланиб, Андижон шаҳар тери касалликлари диспансерида синтетик дори воситалари билан даволанаётган 10 нафар беморларга қўшимча равишда "Псоралин" табиий биологик озиқ-овқат қўшилмасидан тартиб асосида бериш билан амалга оширилди. Бунда, беморларнинг касаллик даражаси, қон таҳлили, биологик фаол моддаларга таъсирчанлиги ўрганилиб, уларнинг синтетик дори воситалари ва "Псоралин" табиий биологик озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги биологик фаол моддаларга таъсирчан эмаслиги аниқланди. Синтетик дори воситалари билан даволанаётган ушбу беморларга 15 кун мобайнида "Псоралин" табиий биологик озиқ-овқат қўшилмаси қўшимча сифатида берилди. Улар билан бир қаторда бошқа 10 нафар беморлар эса фақат синтетик дори воситалари ёрдамида даволанди. Натижада синтетик дори воситаларига қўшимча сифатида "Псоралин" табиий биологик озиқ-овқат қўшилмаси берилган беморларнинг 80% ида ижобий натижа кузатилиб, уларнинг терисидаги псоариаз касаллиги белгилари камайди. Фақат синтетик дори воситалари билангина даволанган касалларнинг эса 30% ида шундай ижобий натижа кузатилди. Бу эса, синтетик дори воситалари билан даволанаётган, псориаз билан касалланган беморларга "Псоралин" табиий биологик озиқ-овқат қўшилмаси қўшиб берилганда, фақат

синтетик дори воситалари билан даволашга нисбатан бир неча баробар самарали ва зарарсиз эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, қўлланилган синтетик дори воситаларни аксарияти инсон организмининг ҳар хил тизим ва аъзоларга салбий таъсир этибгина қолмасдан, иқтисодий томондан бир неча баробар қиммат ҳисобланади. 10 нафар беморни 15 кун давомида “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси билан даволашга жами 200 000 сўм, қолган 10 нафар беморни 15 кун давомида синтетик дори воситалари билан даволашга эса 1 510 000 сўм (дори-дармон учун) сарфланди.

Бу маълумотдан эса, “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси ёрдамида даволаш синтетик дорилар билан даволашга нисбатан сезиларли (ҳар 10 нафар бемордан 1 310 000 сўм) даражада арзон эканлиги ҳам кўринди.

“Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг флавоноид таркибини аниқлаш. Ўсимлик флавоноидлари тез чарчоқ ва заифлик, стресс, ҳар қандай жароҳатлар учун, айниқса қон кетиш, капиллярларнинг мўртлиги, босим муаммолари, қон айланишининг бузилиши билан, ошқозон ва ичак яллиғланиш касалликларида беморларга тавсия этилади. Ҳозирда флавоноидларнинг 6500 дан ортиқ тури фанга маълум. Булардан энг муҳимлари дегидрокверцитин, рутин, кверцитин ҳисобланиб инсон организмида физиологик жараёнларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Биз томонимиздан “Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг флавоноидлар таркиби замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди. Шу мақсадда юқори самарали суюқлик хроматографияси ёрдамида аниқлаш учун намуна сифатида олинган галл кислотаси, рутин ҳамда кверцитинларнинг эталон эритмаларидан фойдаланилди. Стандарт намуналари асосида, 0,75 мл/мин оқим тезлигида 12 дақиқада кўрсатилган градиент режимида хроматограмма олинганлигини кўрамиз. “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмасининг экстракти таркибидаги галл кислотаси-2,5 минут, рутин – 3,6 минут ва кверцитин эса -16 минутда ўзига хос градиентлар асосида чўққи берган. Апигенин ва кемпферол таҳлилини амалга оширишда юқоридаги қурилма параметрлари асосида 0,75 мл/мин оқим тезлигида 12 минутда қуйидаги градиент режимида хроматограмма олинди:



8-расм. “Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасинингфлавоноидлар таркиби хроматограммаси.

Юқоридаги хроматограммада апигенин ва кемпферолнинг ЮССХ натижалари келтирилган. Апигенин 10,2 минутда, кемпферол эса 10,5 минут оралиқларида тегишли чўққиларни берди.

Шунингдек, экстракция қилиб ажратилган “Псоралин”озиқ-овқат

қўшилмаси таркибидаги аниқланган флавоноид миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал. Псоралин”озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги аниқланган флавоноидлар миқдори

Намунанинг номи	Намунанинг таркибидаги аниқланган моддаларнинг номи				
“Псоралин”	Галл кислота	Рутин	Кверцитин	Апигенин	Кемпферол
	0,223	0,029	0	0,025	0,003

Жадвалдан кўриниб турибдики, Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг қуритиб яхшилаб майдаланган намунаси таркибидаги флавоноидларнинг сифат ва миқдорий таркиби юқори самарали суюқлик хроматографиясида текширилганда галл кислотасининг миқдори энг кўп эканлиги аниқланди. Галл кислотаси – 22,3 мг, рутин - 2,9 мг, апигенин - 2,5 мг ва кемпферол эса 0,3 мг миқдорда эканлиги маълум бўлди, кверцетин топилмади.

“Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг таркибидаги оғир металлар миқдорини аниқлаш. "Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги оғир металларнинг миқдори белгиланган миқдорга нисбатан инсон организми учун қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида уларнинг миқдорини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси ССВнинг СЭОМ №0366-19 п.п.10.7 талаблари бўйича амалга оширилди.

5-жадвал. “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмасида оғир металлллар миқдори

Оғир металл	Оғир металл миқдори, мг/кг		Кўрсаткичларнинг норматив хужжат талабга мослиги
	Меъёрий ҳужжат бўйича	Псоралинда	
Кадмий	1,0	0,2	Мос келади
Қўрғошин	6,0	3,4	Мос келади
Мишьяк	0,5	0	Мос келади
Симоб	0,1	0,02	Мос келади

5-жадвалдан кўриниб турибдики, “Псоралин”озиқ-овқат қўшилмасининг оғир металлар миқдори ўрганиб чиқилганда таркибидаги кадмий, қўрғошин, симоб каби оғир металаларнинг миқдори меъёрий ҳужжатлардаги миқдорлардан кам эканлиги, мишьяк эса мавжуд эмаслиги кўриниб турибди. Бу шундан далолат берадики, мазкур озиқ-овқат қўшилмаси инсон организми учун оғир металларнинг миқдорий кўрсаткичлари безарар эканлигини кўрсатади.

“Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги витаминларни аниқлаш. “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги витаминлар миқдори стандарт намунадаги витаминлар билан қиёсланиб ўрганилди. “С витамини чўкиш вақти 2,693 дақиқада 0,775 мг/мл ташкил этди.

Олинган ўсимлик экстракти хроматограммаси билан эталон стандарт намунанинг хроматограммаларини таққосланганда, “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги B_2, B_6, PP витаминларининг миқдорлари мос равишда 12,443, 3,329, 4,068 дақиқаларда 0,003 мг/мл, 0,004 мг/мл, 0,005 мг/мл дан мавжуд бўлиб, B_1 ва B_{12} витаминлари эса аниқланмади.

6-жадвал. “Псоралин” озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги С, B_2, B_6, PP витаминларининг миқдори

PDA Ch1 242nm

Peak#	Ret. Time	Area	Height	Conc.	Unit	Mark	Name
5	2,693	30894383	1328058	0,775	mg/ml	SV	Vitamin C
Total		30894383	1328058	0,775			

PDA Ch1 260nm

Peak#	Ret. Time	Area	Height	Conc.	Unit	Mark	Name
8	4,068	213641	15768	0,005	mg/ml	V	Vitamin PP
38	12,443	281146	34247	0,003	mg/ml	V	Vitamin B2
Total		494787	50015				

PDA Ch2 290nm

Peak#	Ret. Time	Area	Height	Conc.	Unit	Mark	Name
6	3,329	194696	16552	0,004	mg/ml	V	Vitamin B6
Total		194696	16552				

PDA Ch3 361nm

Peak#	Ret. Time	Area	Height	Conc.	Unit	Mark	Name
58	11,326	6899	809	0,000	mg/ml	V	Vitamin B12
Total		6899	809				

